

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ -ДАВР ТАЛАБИ

Пазылова Меруерт Ермекбаевна

Нукус давлат педагогика институти, Педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7424086>

**Аннотация.** Мазкур мақолада талабаларнинг ўқув-билиши фаолиятини ривожлантиришида аудиториядаги педагогик жсараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятлиги, билим, кўникма, малакалар ва аналитик-таҳтилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимоий тажсрибадан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш кўникмасини ривожлантириши орқали ҳам талабаларнинг ўқув-билиши фаолиятини ривожлантириши масалалари ёритиб берилади.

**Калим сўзлар:** маъruzалар, мунозаралар, муҳокамалар, ҳикоялар, суҳбатлар, талабаларнинг шахсий тажсрибалари ва ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ суҳбатлар, тарихий-хронологик характердаги матнлар, ҳикматлар, мақоллар

## РАЗВИТИЕ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ - ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

**Аннотация.** В данной статье, помимо педагогических процессов в аудитории, особое значение в развитии учебно-познавательной деятельности студентов имеет самостоятельная работа, развитие учебной деятельности студентов через развитие знаний, умений, навыков, способностей и аналитические компетенции, а также умение использовать социальный опыт в жизненных ситуациях.

**Ключевые слова:** лекции, диспуты, дискуссии, рассказы, беседы, беседы, связанные с личным опытом и жизненными ситуациями студентов, историко-хронологические тексты, пословицы.

## DEVELOPMENT OF LEARNING ACTIVITY OF STUDENTS - THE REQUIREMENT OF THE TIME

**Abstract.** In this article, in addition to pedagogical processes in the classroom, independent work, the development of students' educational activities through the development of knowledge, skills, abilities and analytical competencies, as well as the ability to use social experience in life, is of particular importance in the development of educational and cognitive activity of students. situations.

**Keywords:** lectures, disputes, discussions, stories, conversations, conversations related to personal experience and life situations of students, historical and chronological texts, proverbs.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш педагогика олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида талабаларнинг ўқув-билиши фаолиятини ривожлантириш муаммоси ўзининг назарий талқинига эга. Бунинг учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини алломаларнинг қарашлари воситасида фаоллаштиришнинг педагогик тизими ва стратегияларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш муайян педагогик шартшароитларни яратишни тақозо этади. Бунинг натижасида талабалар мустақил билим олиш ва ўз-ўзларини ривожлантириш даражасига кўтариладилар.

Педагогик амалиётда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг муайян воситалари ва технологиялари мавжуд. Улар талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган. Бундай воситалар ва технологиялар сирасига таълимнинг турли-туман шакллари, воситалари ва методларидан иборат бўлиб, мазкур воситалар ва методлар таълим жараёнида муваффакиятли уйғулаштирилади. Натижада талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигининг ортиши таъминланади.

Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ўқув фанлари бўйича ўқув материалларини танлашда ўқув материаллари ва асосий тушунчавий аппарат орасидаги алоқадорликни таъминлаш талаб қилинади. Билимлар ва ўқув ахборотларини тизимлаштиришда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ўқув материаллари сирасига алломалар томонидан яратилган илмий-оммабоп ва бадиий асарлардан олинган намуналар, тарихий-хронологик характердаги матнлар, ҳикматлар, мақолларни киритиш мумкин.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда дидактик воситалар билан бир қаторда уларнинг руҳий ўзига хоссликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг хиссий барқарорлиги таъминлаш учун қўйидаги дидактик шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: маъruzалар, мунозаралар, муҳокамалар, ҳикоялар, суҳбатлар, талабаларнинг шахсий тажрибалари ва ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ суҳбатлар, ўрганилаётган материаллар билан боғлиқ ҳолда талабаларнинг ҳиссий кечинмаларини намоён қилувчи вазиятлар шулар жумласидандир.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантирувчи воситалар ёрдамида уларнинг билиш қизиқишиларини ривожлантириш мумкин. Бунда алломалар меросидан олинган мантиқий фикрлаш, ҳозиржавобликка ундовчи дидактик воситалар муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда аудиториядаги педагогик жараёнлар билан бир қаторда мустақил ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Билим, қўникма, малакалар ва аналитик-таҳлилий компетенциялар билан бир қаторда ижтимиой тажрибадан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш қўникмасини ривожлантириш орқали ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мумкин. Бунда ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида талабалар турли ўқув предметлари билан боғлиқ фаолият усусларини ҳам эгаллашлари зарур. Ўқув предметлари билан боғлиқ ҳолда фаолият усусларини қўллаш қўйидагиларни ўз ичига олади: таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, оммалаштириш, топшириқларни ечиш алгоритмларини қўллаш, ташхис қўйиш ва натижаларни таҳлил қилиш.

Таълим натижасида талабалар билимларни қўллаш алгоритмлари, топшириқларни ечиш жараёнида улардан фойдаланиш лаёқатига эга бўлишлари лозим. Талабаларда бундай фаолиятни шакллантириш натижасида мустақил ишлаш, топшириқларни бажариш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш, ўқув материалларини ўзлаштириш учун сарфлагандагина кучни тежаш имконини беради.

Бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида ўқитишининг турли шакллари ва методларини қўллаш имконияти мавжуд. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун таълимнинг фаол шакллари, воситалари ва методларини қўллаш талаб қилинади. Бундай методлар сирасига аждодларимиз томонидан қўлланилган

мантиқий фикрлашга ундовчи усулларни кўрсатиши мумкин. Бунда ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири талабаларда фаолликни вужудга келтирувчи вазиятларни ташкил этишдан иборат. Ўқитишнинг фаол методлари ёрдамида талабаларда фаолият тажрибаси ҳосил қилинади. Бундай методлар сирасига диалог методини киритиш мумкин. Мазкур методни қўллаш натижасида ўқитувчи билан талабалар, талабалар билан талабалар орасида ўзаро муносабат тажрибаси ҳосил бўлади, мулоқот кўникмалари ва нутқ жадал ривожланади, қўйилган вазифаларни гурӯх бўлиб ечиш имкониятлари кенгаяди.

Олий таълим муассасаларида муаммоли ўқитиш, вазиятларни лойиҳалаш, ўйин, тадқиқотларни амалга ошириш, баҳс-мунозара, сұхбат, таҳлил-мутолаа каби методларни қўллаш ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу методлар талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириб, уларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтиради. Самарали таълим технологиялари ҳар бир талабанинг ўқув-билиш фаолиятини амалга оширишда фаоллик кўрсатиши, ўқув меҳнати натижалари учун масъулиятни ҳис қилиши, эгаллаган билимларнинг шахс мавқенини оширишга хизмат қилишини англашетишини таъминлайди.

Талабаларни фаоллаштирувчи таълим жараёни талабанинг тизимли фикрлаш имкониятларини ривожлантириш орқали бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш, жамоа бўлиб фикрлаш ва амалий фаолият кўрсатишига ўргатиш, ўзаро муносабат ва мулоқотга киришишга оид ижтимоий кўникмаларни шакллантириш, индивидуал ва ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, масъулиятлиликни тарбиялаш, жамоа ва жамиятдаги ижтимоий қадриятларга нисбатан онгли муносабатни қарор топтириш имконини беради.

Ўқув-билиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма, малакаларни тўлақонли ўзлаштиришлари педагог томонидан бошқарилади. Билиш фаолиятлари ҳиссий идрок, назарий тафаккур ва амалий фаолиятнинг бирлигидир. Ушбу фаолият инсон фаолиятининг барча босқичлари ҳамда жамият аъзолари билан ўзаро муносабат жараёнида вужудга келади. Шунингдек, ўқув жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари шаклланади ва фаоллашади.

Ўқув-билиш жараёни талабаларнинг фаол фаолиятлари билан бевосита боғлиқ. Бундай фаолиятлар бир ўқув топшириғини ечиш ва иккинчисига ўтиш жараёнида вужудга келади. Бу эса талабаларни билмасликдан билиш сари, тўлиқ бўлмаган билимлардан нисбатан тўлиқ ва аниқ билимларни эгаллаш сари интилишига хизмат қилади.

Ўқув жараёни билим, кўникма ва малакаларни талабаларга шунчаки узатишдан иборат эмас, ушбу жараён икки ёқлама характеристега эга бўлиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ўқитиш ва ўрганишнинг ўзаро алоқадорлигига намоён бўлади. Талабаларнинг ўқиши, ўрганиши ва профессор ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабатлари уларнинг фаоллиги орқали аниқланади.

Фаоллик билан бевосита алоқадор бўлган ҳолатлардан яна бири талабаларнинг ўқув мотивациясидир. Бу муайян обьект ва фаолият воситалари билан алоқадор бўлган мустақилликдир. Талабалар бундай мустақил фаолиятни профессор ўқитувчиларнинг кўмагисиз ўзлари амалга оширадилар. Билиш фаоллиги ва мустақиллик бир-бири билан ўзаро алоқадор ҳодисалар ҳисобланади. Улар: кўпроқ фаол ва кўпроқ мустақил; етарлича билиш фаоллигига эга бўлмаган талабалар бошқаларга тобе бўлиб, уларда мустақиллик тўлиқ намоён бўлмайди.

Талабаларнинг фаолликларини бошқариш фаоллаштириш сифатида талқин этилади. Фаоллаштириш талабаларни мунтазам қўзғатиш, руҳлантириш ва билимларни фаол эгаллашга ундашни англатади. Бу жараёнда улардаги сусткашлик, тўхтаб қолиш, билим олишни истамаслик каби ҳолатлар бартараф этилиб, ақлий фаолият кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилади.

Фаоллаштиришнинг асосий мақсади талабаларни фаолликка ундаш, уларни мақсадга йўналтирилган ўқув-билиш фаолиятини бажаришга рағбатлантириш ва ушбу фаолиятларни мунтазам фаоллаштиришдан иборат. Ушбу мақсадда олий педагогик таълим жараёнида алломалар меросидан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Талабаларнинг фаол тарздаги ўқув-билиш фаолиятлари иккита йўналишга эга: ички (педагогик-психологик) ва ташқи (ташкилий).

Ўқув-билиш фаоллигининг **ички йўналиши** муайян таркибий қисмларга эга: ўқув фаолиятига нисбатан қизиқиш, ўқув фаолиятларини бажаришда ташабbus кўрсатиш; билиш мустақиллиги; қўйилган билиш вазифаларини ечиш учун жисмоний интеллектуал қувватларни сафарбар этиш кабилар. Ўқув-билиш фаолиятининг ривожланиши натижасида шахс фаолиятида мазкур таркибий қисмларнинг намоён бўлиши таъминланади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг **ташқи йўналиши** мазкур фаолиятга барча талабаларни қизиқтириш ва жалб этишда намоён бўлади. Ушбу йўналишдаги талабларни амалга ошириш учун талабалар билан гуруҳли, индивидуал, ўқув фаолиятларини бажаришларини таъминлаш лозим. Шунингдек, индивидуал ўқитиши воситаларини самарали кўллаш орқали ҳам талабанинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга эришилади. Бундай воситалар сирасига босма шаклдаги дидактик материаллар, бадиий асарлар, мантиқий фикрлашга ундовчи топшириқларни киритиш мумкин. Шунингдек, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган усуллардан ҳам самарали фойдаланилади. Топшириқларни ечиш алгоритмлари, мантиқ қонун-қоидаларидан фойдаланишни киритиш мумкин. Ўз фаолиятлари давомида талабалар тайёр алгоритмлар, қонун-қоидалардан фойдаланадилар ёки уларни мустақил тарзда тузадилар. Бу жараёнда талабалар репродуктив ва маҳсулдор усуллардан фойдаланадилар.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун объектив ва субъектив методларни мутаносиб тарзда уйғунлаштириш талаб қилинади. Субъектив методлар сирасига ишонтириш, тушунтириш ва зарур маълумотлар билан қуроллантиришни киритиш мумкин. Объектив методлар эса талабаларда ўқув мотивларини шакллантиришга йўналтирилган шароитлар яратиши, бундай шароитларда улар мустақил ҳаракатлана олишлари лозим. Бундай шароитда талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг жадаллашуви таъминланади. Натижада ўқув-билиш фаолиятига нисбатан барқарор қизиқиш ҳосил бўлади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш учун дастлаб уларнинг дикқатини фаоллаштириш лозим. Диққатнинг етарлича шаклланмаганлиги талабаларнинг машғулотларда тўлақонли тарзда иштирок этишларига тўсқинлик қиласи.

Бунинг натижасида улар ўқув материалининг мазмун моҳиятини тўлиқ тушуниб етмайдилар. Уни эсда сақлаб қола олмайдилар, топшириқларни бажаришда хатоларга йўл қўядилар.

Күйидаги метод ва усуллар талабаларни фаоллаштиришга хизмат қилади: эвристик сұхбатларни ташкил этиш методи; дидактик воситалардан фойдаланиш методи (күргазмали-образли ёки мантикий чизмалар, режа-конспектлар); талабаларнинг диққатини фаоллаштирувчи мустақил бажаришга мүлжалланган топшириқлар; ўз ҳаракатлари натижаларини намунадаги шакл билан қиёслаш; дарснинг турли босқичларида ўз фаолиятларини назорат қилиш усуллари; ўз ғояларини ҳимоя қилиш; жавоблар ёки мустақил бажарилган ишларни тақризлаш; ўзи ва гурухдошларининг ўқув фаолиятлари натижаларини текшириш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг муаммолилик принципи, ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи, биргаликда ўқиб ўрганиш принципи, ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи, индивидуал ўқитиш принципи, мустақил таълим олиш принципи, муваффақиятга ундаш принципларига таянилади.

Муаммолилик принципи таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу жараёнда таълим олувчилар тафаккурида муаммоли вазиятлар ҳосил қилинади. Уларни тадқиқотлар ўтказишга ундаш имкониятлари көнтайтирилади. Ушбу ўринда талаба ўз тажрибаси ва мантикий хulosаларига таянган ҳолда муаммоларни ечиш, тадқиқотларни амалга ошириш учун ўзида етишмайдиган билимларни мустақил излашга ҳаракат қилади. Бунда ўз гурухдошларининг тажрибаларидан ҳам фойдаланишга эришади. Бундай вазиятларда талабалар тайёр шаклдаги билимларни эмас, балки ўзларининг мустақил ўқув-билиш фаолиятлари ёрдамида зарур тушунчалар, билимлар, ахборотлар ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Ушбу принципнинг ўзига хос хусусияти шундаки талабалар ўз ўқув-билиш фаолиятларига мувофиқ келадиган дидактик топшириқларни бажаришга муваффақ бўладилар: ишончсиз стереотиплардан қутилиш, илғор қарашларга эга бўлиш, иқтисодий тафаккур тарзини эгаллаш. Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаммоли ҳарактердаги ўқув материалларининг мазмунини танлашда талабаларнинг қизиқишилари ҳисобга олиниши лозим. Бугунги кунда таълим олдида турган асосий вазифалардан бири талабаларни янги билимларни излаб топиш ва ўзлаштиришга ундашдан иборат.

Ўқув-билиш фаолияти билан амалий топшириқларни мувофиқлаштириш принципи доирасида талабаларнинг амалий ишлари ҳар доим уларни касбий тайёрлашга йўналтирилган назарий материалларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши керак. Ушбу принципнинг асосий моҳияти талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини имкон қадар ижтимоий воқелик, реал ҳаётий вазиятларга яқинлаштиришдан иборат. Мазкур принцип муаммолилик принципи билан уйғунлашган ҳолда талабаларнинг ўзлаштирган назарий билимларини амалий фаолиятлари ёрдамида бойитиш ва мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Биргаликда ўқиб ўрганиш принципи ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида билимларни ўзаро алмашиниш муҳити вужудга келади. Ўз билимларини мустақил ошириш, мустақил билим олиш учун нафақат назарий асос, балки ўрганилган ҳодисалар, далиллар, ахборотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш қўнимаси ҳам зарур. Мазкур билимлардан фойдаланишга ижодий ёндашиш қўнимасига эга бўлиш, ўзи ва ўзгаларнинг хатоларидан тўғри хulosалар чиқариш, ўз билим,

кўникмаларини долзарбилигини таъминлаш ва ривожлантиришга эришиш ҳам талабаларда ўқув-билиш фаолиятининг фаоллашувида муҳим аҳамиятга эга.

Ўрганилаётган муаммолар доирасида тадқиқотлар ўтказиш принципи. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятлари ижодий, изланиш характерига эга бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳаракат имкон қадар ўзида таҳлил қилиш, умумлаштириш кўникмаларини мужассамлаштириши мақсадга мувофиқ. Муайян жараён ёки ходисани ўрганишга йўналтирилган педагогик вазиятлар имкон қадар ўзида тадқиқот элементларини акс эттириши керак. Бу талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим принципларидан бири бўлиб, ўрганилаётган муаммолар ва ходисаларни тадқиқ қилиш имконини беради.

Индивидуал ўқитиш принципи ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг педагогик тафаккурида жараён субъектларини индивидуал ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Индивидуал ўқитиш жараёни асосан талабани касбий тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларга алоҳида бир соҳалар бўйича чуқурлаштирилган ўқитиш жараёни ташкил этилган. Бундай ўқитиш жараёни асосан мадрасаларда амалга оширилган. Ушбу принципни амалга ошириш жараёни ўзига хос бўлиб, кўплаб психофизиологик хусусиятларга эга. Жумладан: гурух аъзоларининг таркиби; ўқув жараёнига мослашиш; янги билимларни идрок этиш лаёқатига эгалик. Буларнинг ҳар бири ўқув жараёнини индивидуал ўқитиш принципини муваффақиятли қўллашга хизмат қиласди. Мазкур жараёнда талабаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Мустақил ўрганиш принципи. Таълим жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш механизмларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мустақил ўрганиш принципини амалга ошириш имконини беради. Педагогика тарихининг далолат беришича, мактаб ва мадрасаларда таълим олувчиларнинг билимларни мустақил ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақсадда кўпроқ таҳлил-мутолаа методидан фойдаланилган.

Ушбу принцип шахснинг билим захираларини бойитиш, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, таълим олувчиларга индивидуал ёндашиш принципини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қиласди. Ушбу мақсадда талабалар қўшимча адабиётларни ўқийдилар, профессор-ўқитувчилардан зарур маслаҳатлар оладилар.

Муваффақиятга ундаш принципи. Фаоллик талабаларнинг мустақил ҳамда жамоавий билим олишларига йўналтирилган бўлиб, ушбу мақсадга талабаларни билим олишга йўналтириш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш принципи сифатида муваффақият қозонишга ундаш принципи муҳим педагогик аҳамиятга эга. Ўқув-билиш фаолиятининг ривожланишида асосий омил талабаларда ўкиш, билим олиш ва муаммоларни ечиш истагининг мавжудлигидир. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш ўқитиш методлари каби уларнинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони
2. Педагогика энциклопедия. I жилд / тузувчилар: жамоа. // Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 320 б.